

---

## МАРҒИЛОНДА “НАФОСАТ -2020” ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 17-19 декабрь кунлари Марғилон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш бўйича комиссияси ташаббуси билан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кийиниш маданиятини янада ривожлантиришга қаратилган “Нафосат-2020” фестивали ўтказилиши режалаштирилган эди.

Унга мувофиқ бугун шаҳардаги “Хунармандлар маркази”да бўлиб ўтган фестивалнинг биринчи кунини вилоятимизнинг 19 та туман-шаҳарларида яшаб ижод қилиб келаётган дизайнерлар ҳамда хунармандлар томонидан либослар тўплами намойиш этилди.

Фестивал давомида Марғилон шаҳар ҳокими Адҳамжон Зиявитдинов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси бош маслаҳатчиси Нодира Шотурсуновалар сўзга чиқиб, фестивал тарихи ҳақида атрофлича тўхталган ҳолда унинг навбатдаги тақдироти асл хунармандлар шаҳри – Марғилонда ўтказилаётганлигини мамнуният билан эътироф этиб ўтдилар.

Фестиваль доирасида соҳирнафас санъаткорлар томонидан концерт-датури ҳам намойиш этилди.

Танлов 4 та асосий йўналишлардан иборат бўлиб, иштирокчилар яқунда "Ишбилармон ва етакчи аёл", "Талаба қиз", "Ижодкор аёл", "Ўзбек аёлининг рўмол ўраш санъати" номинациялари бўйича баҳоланади. Фестивал давом этмоқда.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати  
2020-12-17 17:23:11